

# ФУҚАРОЛИК СУД ИШ ЮРИТУВИДА САЙЁР СУД МАЖЛИСЛАРИНИНГ РОЛИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-7-7-4>

**Рашидов Фируз**

Тошкент ислом университети “Миллий ғоя,  
маънавият асослари ва ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация** Ушбу мақолада суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлиги, ушбу фаолиятни амалга оширишда сайёр судларнинг ўзига хос ўрни борлиги, президент Ш. Мирзиёев 2017 йил суд корпуси вакиллари билан ўтказган учрашувда ишларнинг 30 фоизгача бўлган қисми сайёр суд мажлисларида кўриб ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлагани, бугунги кунда жойларда сайёр суд мажлисларини ташкил этиш кенг йўлга қўйилаётгани, лекин ушбу суд мажлисларини ташкил этиш билан боғлиқ қонунчилигимизда нормалар мавжуд эмаслиги, процессуал қонунчиликка сайёр суд мажлисларида кўрилиши мумкин бўлган ишлар доираси, тарафлар

ва процесснинг бошқа иштирокчиларига чақирув қоғозларини бериш, суд ва процесснинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикрлар баён этилган ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Суд, сайёр суд, қонун устуворлиги, суд мажлиси, тарафлар, процесс иштирокчилари.

## РОЛЬ ВЫЕЗДНЫХ СУДЕБНЫХ ЗАСЕДАНИЙ В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ ГРАЖДАНСКИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В этой статье рассматривается функционирование судебной системы в целях обеспечения верховенства закона, социальной справедливости, гражданского мира и примирения, роли выездных судебных заседаний в осуществлении этой деятельности. А также, в ней указывается, что президент Ш. Мирзиёев, на встрече с представителями судебной власти 2017 году, отметил, что было бы целесообразно, если до 30% судебных дел рассматривались в ходе выездных судебных заседаний. На сегодняшний день уже широко применяется организация выездных судебных заседаний на местах, но в нашем законодательстве нет норм, касающихся организации этих судебных заседаний, объем дела, который могут быть рассмотрены в ходе выездных судебных заседаний. Помимо этих вопросов, в статье приведены мнения и предложения автора по вопросам порядка вручения повестку в суд сторонам и другим участникам судебного разбирательства, задачи, которые должны быть реализованы в вопросах, связанных с обеспечением безопасности судов и судебных процессов.

**Ключевые слова:** Суд, выездной суд, верховенство закона, судебное заседание, стороны, участники судебного процесса.

## THE ROLE OF CIRCUIT COURT HEARINGS IN CIVIL PROCEEDINGS

**Annotation** This article examines the functioning of the judicial system in order to ensure the rule of law, social justice, civil peace and reconciliation, the role of circuit court hearings in the implementation of this activity. And also, it indicates that at a meeting with representatives of the judiciary in 2017, President Sh. Mirziyoyev noted that it would be advisable if up to 30% of court cases were considered during circuit court hearings. To date, the organization of circuit court hearings has already been widely used in the regions of the country, but our legislation does not contain rules on the organization of these hearings, the scope of the case, which can be considered during the court hearings. In addition to these issues, the author's opinions and suggestions on the order of handing the summons to the parties and other participants in the trial, the tasks to be implemented in matters related to ensuring the security of the courts and trials, are given in the article.

**Keywords:** The court, circuit court, the rule of law, the court hearing, the parties, the participants in the court session.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг 26 йиллик тарихий тараққиёти давомида қонун устуворлигини таъминлаш орқали суд органларини халқ наздида қораловчи, жазоловчи органдан ижтимоий адолатни таъминловчи, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилувчи орган даражасига олиб чиқди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиши натижасида шахсларнинг қонун нормаларини билиш, уни тўғри тушуниш ва амал қилишларини таъминлашнинг турли усул ва механизмлари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимида замонавий талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд – ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари эълон қилинди.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир” [2] дейилган.

Мана шу нормада суд ҳокимиятининг вазифалари ўз аксини топган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш иккинчи устувор йўналиш қилиб белгиланди.

Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Президент Ш. Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан боғлиқ принципиал ўзгартишлар киритилди. Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг янги органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани бу йўналишдаги ислоҳотлар изчил давом эттириляётганининг тасдиғидир[5].

2017 йил 13 июнда Президент Ш. Мирзиёев суд корпуси вакиллари билан учрашув ўтказди. Адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келгани, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Куч – адолатда” деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришганини қайд этди. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, сайёр судлар ташкил этишни кўпайтириш вазифаси илгари сурилди. Ишларнинг 30 фоизгача бўлган қисми сайёр

суд мажлисларида кўриб ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Тўғри, аввал ҳам судлар томонидан сайёр суд мажлислари ташкил этилган. 1963 йилги Гражданлик процессуал кодексига ўртоқлик судларини ташкил этиш белгиланган. Лекин, бу судларда асосан оилавий низолар билан боғлиқ ишлар ёки маълум бир сабабга кўра судга кела олмайдиган тарафларнинг ишлари кўриб чиқилган. Қўшни ва ҳамдўстлик мамлакатларининг судлов органлари фаолиятида ҳам сайёр суд мажлисларини ташкил этиш амалиёти мавжуд.

Президент Ш.Мирзиёев эътибор қаратгани ва таъкидлаганидек, судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантириш лозимлиги, ҳаётда адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, бугунги суд органлари фаолияти сифат жиҳатдан бутунлай янги талабларга жавоб беришга тайёр бўлиши кераклиги, жойларда сайёр суд мажлисларини ташкил этиш кўламини кенгайтириш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали кўзланган натижага эришиш мумкинлиги белгиланган.

Чунки халқимиз ва жамоатчилигимиз орасида суд деганда ҳали ҳам фақат “қора курсини” тушуниш, судларнинг ихтисослашув асосида иш юритишини билмаслик, низоли муаммоларни судсиз ҳал қилишга уриниш, судга келишни ўзи учун ор билиш ҳолатлари ёки тааллуқли бўлмаган масалалар бўйича судга мурожаат қилиш, процессуал муддатларни асоссиз равишда ўтказиб юбориш, ваколатидан ташқари масалаларни суддан талаб қилиш, қонун ва судга ҳурматсизлик қилиш каби ҳолатлар кўп учрайди.

Глобаллашув ва ахборот асрида аҳолини, айниқса, ёшларни ҳар хил ахборот хуружларидан асраш, уларни қонунга, судга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, юзага келган муаммоли вазиятларни фақат суд йўли билан ҳал қилишга эришиш лозим. Ўз кўзи билан кўриш ва тушуниш асносида фуқароларнинг судга бўлган ишончини ошириш мақсадида сайёр суд мажлисларини жойларда: таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, меҳнат жамоаларида, ишга халақит бермайдиган тарзда сифатли ташкил этиш белгиланган мақсадларимизга эришишнинг энг мақбул усулидир.

Жорий йилда судларда ишларнинг камида 30 фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида Олий суд раёсатининг “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди, услубий тавсиялар ва сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган ишлар рўйхати тасдиқланди.

2017 йилнинг ўтган олти ойи давомида судлар томонидан 128 274 та сайёр суд мажлислари ташкил этилгани[6], бундай ишларнинг кўлами кенглиги, сайёр суд мажлисларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, “Фуқаролик процессуал кодекси”, “Судлар тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилишини тақозо этади.

Хусусан, амалдаги фуқаролик процессуал кодексининг 151-моддасида судья фуқаролик ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиши ва бу ҳақда суд ажрим чиқариши белгилаб қўйилган[1]. Агар иш сайёр суд мажлисида кўриладиган бўлса, фуқаролик ишини қўзғатиш ҳақидаги ажримга ушбу ҳақидаги масалани ҳам киритса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

161-моддага кўра судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади. Сайёр суд мажлисларини ташкил этишда суд ишни кўриши лозим бўлган жой ва унинг аниқ манзили олдиндан маълум бўлиши ва суд оқилона вақтда тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларини иш кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиши лозим бўлади. Оқилона муддатда тарафлар ва процессда иштирок этиши кутилаётган шахслар хабардор қилинмаса, ортиқча оворагарчиликларнинг келиб чиқиши ва вақтнинг зое кетишига сабаб бўлиши мумкин. Сайёр суд мажлислари ташкил этилганда амалиётда судьялар маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали тарафлар ва процесс иштирокчиларини суд бўлиб ўтадиган жой ва вақт ҳақида хабардор қилмоқдалар.

Судлар тўғрисидаги қонуннинг 11-моддаси судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қаратилган бўлиб, судьялар ва суд процессининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланган[2].

Ушбу моддада назарда тутилган масалалар қаторига судлар томонидан сайёр суд мажлисларини ташкил этишда хизмат транспорт воситаси ажратиш, суд мажлисини ўтказиш жойидаги судья ва суд процессининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалани киритиш ва унинг механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Қонунларда кўрсатилганидек, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар



тинчилиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган экан, ушбу вазифаларни тўқис адо этишда судьялар ва процесс бошқа иштирокчиларининг хизмат шароитларини янада яхшилаш, сайёр судларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозим.

#### **References / Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси-Т.: Адолат 2016
2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни//Lex.uz расмий сайти
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд – ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони// Lex.uz расмий сайти
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//Lex.uz расмий сайти
5. Ш. М. Мирзиёев. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. (2017 йил 13 июнда суд корпуси вакиллари билан ўтказилган видеоселекторда сўзланган нутқ). Халқ сўзи,14 июнь 2017. №117
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайти.